

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ТЕРМИЗ
ФИЛИАЛИ**

ОСТАНАҚУЛОВ ШЕРЗОД ФАХРИДДИН ЎҒЛИ

**КАЛАМУШЛАРДА ТАЖРИБАВИЙ НЕФРОЛИТИАЗНИ АСАБ
ТИЗИМИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚ
РАВИШДА РИВОЖЛАНИШИ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of medical science (PhD)

Останакулов Шерзод Фахриддин ўғли

Каламушларда тажрибавий нефролитиазни асаб

тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ

равишда ривожланиши..... 3

Останакулов Шерзод Фахриддин угли

Развитие экспериментального нефролитиаза

у крыс в зависимости от индивидуальных

особенностей нервной системы..... 23

Ostanaqulov Sherzod Faxriddin o‘g‘li

Development of experimental nephrolithiasis

in rats depending on individual characteristics

of the nervous system..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ТЕРМИЗ
ФИЛИАЛИ**

ОСТАНАҚУЛОВ ШЕРЗОД ФАХРИДДИН ЎҒЛИ

**КАЛАМУШЛАРДА ТАЖРИБАВИЙ НЕФРОЛИТИАЗНИ АСАБ
ТИЗИМИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚ
РАВИШДА РИВОЖЛАНИШИ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Tib5173 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмедов Камолиддин Ҳакимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Карабаев Аминжон Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Жўраева Мохигул Агзамжоновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро
қозоқ-турк университети (Қозоғистон
Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ кун тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
қотиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Б. Саидов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда буйрак тош касаллиги (уролитиаз) сийдик чиқариш тизимининг энг кенг тарқалган ноинфекцион касалликларидан бири бўлиб, қайталанишга мойиллиги юқори, амбулатор ва стационар тиббий ёрдамга катта юклама бериши, шунингдек асоратлар (обструкция, пиелонефрит, буйрак функциясининг бузилиши) хавфи билан тавсифланади. Анъанавий равишда уролитиаз эркакларда кўпроқ учраган, аммо замонавий миллий ва халқаро маълумотлар гендер фарқининг қисқариши ва аёллар орасида касалланиш ҳолатларининг ортиб бораётганини кўрсатмоқда, бу аҳолининг турмуш тарзи ва метаболик профилидаги ўзгаришлар билан боғлиқ деб ҳисобланади. Шу билан бирга, оғир оқибатларга ҳисса қўшаётган асосий гуруҳлар — кекса ёшдаги беморлар бўлиб, ўлим ҳолатлари, одатда, ҳамроҳ касалликлари мавжуд ва инфекцион асоратлар ҳамда/ёки обструкция хавфи юқори бўлган шахсларда кузатилади. Буйрак тош касаллигини ўрганишнинг долзарблиги фақат унинг юқори учраш частотаси билан эмас, балки қайталанишга мойиллиги ва даволаш харажатларининг катталиги билан ҳам белгиланади. Ниҳоят, ўлим ва касаллик юкламасини баҳолашда методикаларнинг таққосланиши принципиал аҳамиятга эга. Сўнгги йиллар маълумотлари буйрак тош касаллиги кенг тарқалган, мутлақ юкламаси ортиб бораётган, ҳудудий жиҳатдан нотенг тақсимланган ва паст, аммо клиник жиҳатдан аҳамиятли ўлим кўрсаткичларига эга касаллик эканини тасдиқлайди, айниқса юқори хавф гуруҳларида. Шундай қилиб, уролитиазнинг кечиши ва оқибатларига таъсир этувчи омилларни янада чуқур ўрганиш замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда асаб тизимидаги индивидуал фарқларни (стрессга чидамлилик, юқори асаб фаолияти тури) ўрганиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада организмнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нефролитиазнинг олдини олиш ва даволашга шахсийлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш, асосан касалликнинг метаболик жиҳатларига қаратилган мавжуд профилактика усуллариининг самарадорлигини ошириш, соматик касалликлар патогенезида нейроген механизмларнинг ролини ўрганиш, тизимли тартибга солувчи таъсирларни ҳисобга олган нефролитиазнинг экспериментал моделларини такомиллаштириш, нефролитиаз патогенези ҳақидаги тушунчани чуқурлаштириш, хавф остида бўлган гуруҳларни эрта ташхислаш учун янги усулларни ишлаб чиқишга нейротроп ва стрессни модуляция қилувчи ёндашувларни асослашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли омиллар таъсирида юзага келадиган соматик касалликларни бартараф этиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида

аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, буйрак тош касаллигининг организм жинсига боғлиқ жиҳатларини патогенетик тушуниш бу тушунчаларни клиник жиҳатдан асослаш юзасидан тадқиқотларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашни комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз ва хорижий адабиётларда кўплаб маълумотлар бўлишига қарамасдан нефролитиазнинг асаб тизими фаолиятига хос ҳолда ривожланишининг патогенетик жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. Хорижда олимлар тажрибавий нефролитиазни тизимли ва кўп босқичли тарзда ўрганишдилар, яъни моделларни стандартлаштиришдан тортиб, яллиғланиш ва оксидатив стресснинг молекуляр механизмларини таҳлил қилиш, шунингдек антиоксидантлар ва табиий бирикмаларни эҳтимолий антилитоген воситалар сифатида синовдан ўтказишгача (Green, 2005; Kumar, 2025; Satapathy, 2025; Macarini, 2024; El Oumari, 2025). Россияда экспериментал нефролитиазнинг молекуляр ва ҳужайравий механизмларини, жумладан яллиғланиш цитокинлари фаоллашуви, тубуляр ҳужайралар апоптози ва стресс-индукцияланган оксилларни ўрганишганлар (Коган, 2020; Кадыров, 2022). Замонавий хорижий ёндашув учта барқарор тренд билан тавсифланади. Биринчидан, эътибор «кристаллурия факти»дан тубулалар эпителиysi шикастланиши, маҳаллий яллиғланиш ва про-/антиоксидант тизимлар мувозанатсизлигини баҳолашга кўчмоқда, бу моделни касалликнинг клиник кечишига яқинлаштириш имконини беради (Tarigopula, 2025). Иккинчидан, оксилли ва молекуляр маркерларни фаол излаш (оксиллар/яллиғланиш омиллари панеллари, оксидатив шикастланиш маркерлари, хавфни стратификация қилиш ва даволаш мониторинги учун истиқболли «кандидатлар») амалга оширилмоқда (Review, 2023). Учинчидан, профилактика ва метафилактика

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

концепциясини даволашнинг мажбурий давоми сифатида ривожлантириш (гидратация, диета, метаболик бузилишларни коррекция қилиш, персоналлаштирилган схемалар) эксперимент билан клиника ўртасидаги кўприкни шакллантиради (Peerapen, 2023; Krasiuk, 2025).

Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам ушбу муаммо устида бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда (Дадабаев ва бошқ., 2024; Эрматов, 2024; Юсупова, 2025; Раджабов, 2025; Наврузов, 2025; Баҳромов, 2025), бироқ, турли асаб тизимининг турли фаоллигидаги нефролитиазнинг ривожланиш механизмлари тўғрисида мукамал фикрлар мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, нефролитиазни асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда ривожланишини патогенетик асосларини ўрнатиш, улардаги ўзгаришлар динамикасининг ўзига хос жиҳатларини назарий жиҳатдан асослаш мазкур муаммони ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1100153 «Ички аъзоларнинг структуравий ва функционал хусусиятларини, уларнинг ангиоархитектоникасини турли ёш давларида нормал ва турли омиллар таъсирида ўрганиш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибавий нефролитиазни асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда ривожланишини патогенетик асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазда қон ҳамда сийдикнинг биокимиявий ўзгаришларини динамикада қиёсий баҳолаш;

турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазда организм гормонал фони ҳамда оксидацион стресс парометрлари ўзгаришларини динамикада қиёсий баҳолаш;

турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазда тажриба ҳайвонлари буйраклари ҳамда сийдик йўлларида литогенез босқичлари ультратовуш таҳлилини қиёсий баҳолаш;

турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазда тажриба ҳайвонлари буйраклари ва сийдик йўлларидаги патоморфологик ўзгаришларини динамикада баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2023-2025 йиллар давомида Тошкент фармацевтика институти инновацион фармацевтик бирикмалар илмий лабораториясида эркак жинсига мансуб 180-220 грамм оғирликдаги оқ зотсиз каламушларнинг 96 таси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиаз ривожланиш хусусиятларини патогенетик баҳолашда оқ зотсиз каламушларнинг буйраклари ультратовуш текшируви, сийдиклари, гистологик препаратлар ҳамда қон материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиаз ривожланиш хусусиятларини патогенетик баҳолашда тажриба, физиологик, морфологик, биокимёвий, иммунофермент, ультратовуш ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажрибавий нефролитиаз шароитида организмнинг эмоционал фони биокимёвий жараёнларни ўзгартирувчи муҳим омил эканлиги, унинг асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда намоён бўлиши, хусусан, юқори эмоционал (ЮЭ) ва паст эмоционалликларда (ПЭ) мос равишда АСТ +36% ва +7% га, мочевино +97% ва +22% га, ИФ +78% ва +56% га ортиши экспериментал жиҳатдан исботланган;

тажрибавий нефролитиазда липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнлари асаб тизимининг эмоционал фаоллиги турлича бўлган организмларда ўзига хос динамикада кечиб, ҳар иккала гуруҳда ҳам жараённинг эрта фаоллашиши, кейинчалик антиоксидант ҳимоя тизимининг зўриқиб қолдан тойиши кузатилиб, оксидатив стресснинг энг яққол ифодаланиши 27-кунда қайд этилиши ва мазкур давр буйрак тўқималарининг оксидатив шикастланиши патогенезида ҳал қилувчи босқич эканлиги исботланган;

турлича эмоционал фаолликдаги тажриба ҳайвонларида нефролитиаз жараёнини УТТ орқали динамик баҳолаш натижасида тош ҳосил бўлишнинг босқичлари (микролитиаз → прелитиаз → нефрокальциноз → нефролитиаз) учун хос ультрасонографик белгилари юқори эмоционал фаолликдаги организмларда паст эмоционал гуруҳга нисбатан эртароқ ва яққолроқ намоён бўлиши асосланган;

турлича эмоционал фаолликдаги ҳайвонларда тажрибавий нефролитиаз ривожланишида буйраклардаги патоморфологик ўзгаришлар хусусиятлари, жумладан, юқори эмоционал ҳайвонларда стрессга мойиллик, гуморал ва вегетатив реакцияларнинг устунлиги туфайли касалликнинг илк босқичлариданоқ кучли дистрофик ўзгаришлар ривожланиши, кейинчалик нефрокальциноз ва конкремент шаклланишининг тезлашиши, паст эмоционал ҳайвонларда эса патологик жараён нисбатан секин кечиши ва дистрофик ўзгаришлар камроқ даражада ифодаланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш динамикасида қон ва сийдикдаги биокимиявий ўзгаришлар тажриба муддатига мос равишда ўзгариб бориши кўрсатилган;

турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш динамикасида буйраклардаги оксидацион стресс жараёнлари парометрлари ҳамда антиоксидацион тизим фаолияти хусусиятлари ўзгариши тажриба шароитида ўзига хос бўлган организм эмоционал фонига боғлиқ равишда қиёсий тавсифи очиб берилган;

турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш динамикасида тажрибавий нефролитиаз чақирилган ҳайвонларда УТТ текшируви ўтказилган ҳамда буйракларда тош ҳосил бўлиш босқичлари организм эмоционал фонида мос равишда ўзгариб бориши кўрсатилган;

турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш динамикасида буйраклардаги патоморфологик жараёнлар юқори эмоционал ҳайвонларда стрессга мойиллик, гуморал ва вегетатив реакциялар устунлиги илк босқичларданоқ кучли дистрофик ўзгаришларга, кейинчалик эса нефрокальциноз ва конкремент шаклланишининг тезлашишига олиб келиши ҳамда паст эмоционал ҳайвонларда эса патологик жараён секинроқ кечиб, дистрофик ўзгаришлар нисбатан енгилроқ кечиши асосли равишда очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган тажриба, физиологик, морфологик, физик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш хусусиятларини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишни халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш динамикасида организмнинг индивидуал асаб тизими муҳим эканлиги, организм эмоционал фони, яъни юқори ёки паст эмоционаллиги муҳим эканлиги, қон ва сийдик биокимёвий ҳамда оксидацион стресс жараёнининг эқори эмоционал нерв тизимли организмларда бирмунча устунлиги, илк бор Ўзбекистон шароитида ҳайвонларда УТТ текширувида барча литогенез босқичлари бир вақтда динамикада кузатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш динамикасида қон ва сийдикдаги биокимёвий ўзгаришлар ҳамда уларнинг организм эмоционал фонида боғлиқ жиҳатлари қиёсий изоҳлаб берилган, литогенез ривожланиш босқичида қайси муддат патогенезда муҳим ўрин тутиши ҳамда уларни кооррекция қилиш чора-тадбирлари тавсиялар назарий жиҳатдан патогенетик асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажрибавий нефролитиазни асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда ривожланишини патогенетик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: тажрибавий нефролитиаз шароитида организмнинг эмоционал фони биокимёвий жараёнларни ўзгартирувчи муҳим омил эканлиги, унинг асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда намоён бўлиши, хусусан, юқори эмоционал (ЮЭ) ва паст эмоционалликларда (ПЭ) мос равишда АСТ +36% ва +7% га, мочевино +97% ва +22% га, ИФ +78% ва +56% га ортиши экспериментал жиҳатдан исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 14.02.2025 йилда 93-25-сон билан тасдиқланган «Асаб тизимининг индивидуал

хусусиятларига боғлиқ равишда тажрибавий нефролитиазни динамикада баҳолаш услуги» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли клиникаси бўйича 21.10.2025 йилдаги 272-Т-сон ҳамда Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаси бўйича 29.09.2025 йилдаги 26-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 05.03.2026 йилдаги 04/09-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш динамикасида қон ва сийдикдаги биокимийвий ўзгаришлар ҳамда уларнинг организм эмоционал фонида боғлиқ жиҳатлари қиёсий изоҳлаб берилган. Литогенез ривожланиш босқичида қайси муддат патогенезда муҳим ўрин тутиши ҳамда уларни кооррекция қилиш чора-тадбирлари тавсиялар назарий жиҳатдан патогенетик асослаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сўфланадиган ўртача 1890000 сўм миқдорида маблағлар тиббий хизматлар кўрсатиш жараёнида клиник протоколларга асосланган рационал ёндашувни жорий этиш, ортиқча текширувлар ва такрорий лаборатор таҳлилларни чеклаш, ресурслар тақсимотини самарали бошқариш орқали иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: тажрибавий нефролитиазда липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнлари асаб тизимининг эмоционал фаоллиги турлича бўлган организмларда ўзига хос динамикада кечиб, ҳар иккала гуруҳда ҳам жараённинг эрта фаоллашиши, кейинчалик антиоксидант ҳимоя тизимининг зўриқиб ҳолдан тойиши кузатилиб, оксидатив стресснинг энг яққол ифодаланиши 27-кунда қайд этилиши ва мазкур давр буйрак тўқималарининг оксидатив шикастланиши патогенезида ҳал қилувчи босқич эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 14.02.2025 йилда 93-25-сон билан тасдиқланган «Асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда тажрибавий нефролитиазни динамикада баҳолаш услуги» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли клиникаси бўйича 21.10.2025 йилдаги 272-Т-сон ҳамда Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаси бўйича 29.09.2025 йилдаги 26-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 05.03.2026 йилдаги 04/09-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тажрибавий нефролитиаз липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнларининг эрта фаоллашиши, кейинчалик антиоксидант тизимнинг зўриқиб ҳолдан тойиши, шунингдек, яққол ўзгаришлар 27-кунда қайд этилиши ҳамда ушбу муддатни буйрак тўқималарининг оксидатив шикастланиши патогенезида муҳим ўрин тутишини назарий жиҳатдан ёритилиши хасталикни эрта ташхислаш орқали унинг натижасида юзага келадиган асоратларнинг олдини олишга шароит яратилганлиги ва хасталикни самарали даволаш тизимини шакллантиришга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида

даволаниш учун срфланадиган ўртача 1890000 сўм миқдорида маблағлар тиббий хизматлар кўрсатиш жараёнида клиник протоколларга асосланган рационал ёндашувни жорий этиш, ортиқча текширувлар ва такрорий лаборатор таҳлилларни чеклаш, ресурслар тақсимотини самарали бошқариш орқали иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: турлича эмоционал фаолликдаги тажриба ҳайвонларида нефролитиаз жараёнини УТТ орқали динамик баҳолаш натижасида тош ҳосил бўлишнинг босқичлари (микролитиаз → прелитиаз → нефрокальциноз → нефролитиаз) учун хос ультрасонографик белгилари юқори эмоционал фаолликдаги организмларда паст эмоционал гуруҳга нисбатан эртароқ ва яққолроқ намоён бўлиши асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 14.02.2025 йилда 93-25-сон билан тасдиқланган «Асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда тажрибавий нефролитиазни динамикада баҳолаш услуги» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли клиникаси бўйича 21.10.2025 йилдаги 272-Т-сон ҳамда Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаси бўйича 29.09.2025 йилдаги 26-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 05.03.2026 йилдаги 04/09-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* турлича эмоционал фаолликдаги тажриба ҳайвонларида нефролитиаз жараёни УТТ текшируви ёрдамида баҳолашда тош ҳосил бўлишнинг ҳар-бир босқичлари (микролитиаз → прелитиаз → нефрокальциноз → нефролитиаз) учун хос ультрасонографик кўрсаткичлар асосланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун срфланадиган ўртача 1890000 сўм миқдорида маблағлар тиббий хизматлар кўрсатиш жараёнида клиник протоколларга асосланган рационал ёндашувни жорий этиш, ортиқча текширувлар ва такрорий лаборатор таҳлилларни чеклаш, ресурслар тақсимотини самарали бошқариш орқали иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: турлича эмоционал фаолликдаги ҳайвонларда тажрибавий нефролитиаз ривожланишида буйраклардаги патоморфологик ўзгаришлар хусусиятлари, жумладан, юқори эмоционал ҳайвонларда стрессга мойиллик, гуморал ва вегетатив реакцияларнинг устунлиги туфайли касалликнинг илк босқичлариданоқ кучли дистрофик ўзгаришлар ривожланиши, кейинчалик нефрокальциноз ва конкремент шаклланишининг тезлашиши, паст эмоционал ҳайвонларда эса патологик жараён нисбатан секин кечиши ва дистрофик ўзгаришлар камроқ даражада ифодаланиши асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 14.02.2025 йилда 93-25-сон билан тасдиқланган «Асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда тажрибавий нефролитиазни динамикада баҳолаш услуги» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли клиникаси бўйича 21.10.2025 йилдаги 272-Т-сон ҳамда Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаси бўйича 29.09.2025 йилдаги 26-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган

(Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 05.03.2026 йилдаги 04/09-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланишда буйраклардаги патоморфологик жараёнлар юқори эмоционал организмларда илк босқичларданоқ кучли дистрофик ўзгаришларга, кейинчалик эса нефрокальциноз ва конкремент шаклланишининг тезлашишига олиб келиши ҳамда паст эмоционал организмларда эса патологик жараён секинроқ кечиб, дистрофик ўзгаришлар нисбатан енгилроқ кечиши исботланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сرفланадиган ўртача 1890000 сўм миқдорида маблағлар тиббий хизматлар кўрсатиш жараёнида клиник протоколларга асосланган рационал ёндашувни жорий этиш, ортиқча текширувлар ва такрорий лаборатор таҳлилларни чеклаш, ресурслар тақсимотини самарали бошқариш орқали иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети кўрсатиб берилган, республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик, тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли хулқ-атворли организмларда нефролитиаз ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, унда ечилиши лозим бўлган муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Шунингдек, нефролитиазнинг организмнинг хулқ-атворига боғлиқ равишда ўзгаришлари ҳақидаги адабиёт маълумотлари таҳлиллари, нефролитиазда қон ва сийдик таҳлиллари, буйрак тўқимасининг ЛПО/АОХ тизими ҳамда гистологик хусусиятларидаги ўзгаришлар маҳаллий

ва хорижий адабиётлардаги сўнги маълумотларига асосланилган ҳолда маълумотлар кенг ёритилган ва адабиётлар шарҳи хулосасида қисқача келтирилган.

Диссертациянинг «**Тажрибавий нефролитиазни асаб тизимининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда ривожланишини баҳолаш материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби 3 босқичда олиб борилган. Биринчи босқичда тажриба ҳайвонлари танланган, ССВ ҳузуридаги этик қўмитадан лаборатория ҳайвонларида тажрибалар ўтказиш учун ёзма рухсатнома олинган, тажриба ҳайвонлари гуруҳларга тақсимланган, гуруҳлар бир бирига репрезентатив бўлган, тадқиқотлар рандомизацияланган бўлган. Иккинчи босқичда тажриба ҳайвонлари гуруҳларига қараб, тадқиқотга жалб этилган. Учинчи босқичда тажрибалар якунланган, бунинг учун каламушларда тадқиқот аввалида эмоционал ҳолати бўйича гуруҳларга ажратиб олинган, сўнг 21 кун мобайнида умумий овқатланиш рациони билан биргаликда бемалол ича олиш имконияти билан ичимлик суви ўрнига 1% ли этиленгликолнинг сувдаги эритмаси қўйилди, кейин эса этик тамойилларга риоя қилган ҳолда жонсизлантирилган, таҳлиллар учун қон, морфологик текширишлар учун буйраклар бўлакчалари олинган. Тажрибалар тугагач, барча жонсизлантирилган тажриба ҳайвонлари утилизация қилинган. Тажрибани бажариш жараёнида биологик хавфсизлик қоидалари ва тажриба ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига қатъий риоя этилган. Шундан сўнг олинган маълумотлар тизимланган, статистик ишланган, талқин ва таҳлил қилинган.

Экспериментал тадқиқотлар учун эркак жинсидаги, 150-200 г оғирликдаги оқ зотсиз каламушларнинг 96 таси танланди. Барча каламушлар 3 гуруҳга ажратилди: 1) Интакт гуруҳ (Жами 36 та: ЮЭ 18 та+ПЭ 18 та эркак каламуш), 2) 1-чи тажриба гуруҳи (паст эмоционал каламушлар 30 та), 3) 2-чи тажриба гуруҳи (юқори эмоционал каламушлар 30 та). Тажриба ҳайвонлари битта виварийдан олинган ва бир-хил ёшда бўлган. 2-чи ва 3-чи гуруҳ каламушларига оксалатли нефролитиаз моделини чакириш учун 21 кун мобайнида умумий овқатланиш рациони билан биргаликда бемалол ича олиш имконияти билан ичимлик суви ўрнига 1% ли этиленгликолнинг сувдаги эритмаси қўйилди. Ҳайвонларнинг кунлик ҳолати назорат қилиб борилди. Тажриба ҳайвонлари стандарт виварий озиқ-овқат рационини тузишда Н.А.Нуралиев ва ҳаммуал. [2016] услубий қўлланмасида кўрсатилган тавсиялардан келиб чиқилган. Тажриба ҳайвонларини сақлаш, жонсизлантириш ва анатомик ёришда барча биологик хавфсизлик қоидалари ва тажриба ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига қатъий риоя қилинган.

Олинган материални статистик қайта ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида «Эхсел» дастуридан фойдаланиб, амалга оширилган. Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш қуйидаги параметрларни ҳисоблаш билан амалга оширилди: ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик хато (m), Фарқлар аҳамияти Фишер-Стьюдент мезони бўйича (P) аниқланган. Агар эҳтимоллик даражаси $P < 0,05$ бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишонарли, деб ҳисобланган.

Статистик ишлов «Пентиум ИВ» процессорлари асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий нефролитиазнинг ривожланиш динамикасида қон ва сийдик параметрлари ва организм ЛПО/АОХ тизимининг тавсифи» деб номланган учинчи бобида тажриба учун олинган асосий гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларда этиленгликол таъсирида тажрибавий нефролитиаз чақирилиб, қон ва сийдикнинг биокимиёвий параметрларидаги ўзгаришлар, организмнинг ЛПО/АОХ тизими ҳамда уларни организм эмоционал фони (ЮЭ ва ПЭ) билан боғлаб ўрганилган.

Олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Қон динамикасидаги биокимиёвий кўрсаткичлар таҳлили (21, 27 ва 37 кунлардаги) тажрибавий нефролитиаз тизимли метаболик ва ферментатив қайта қуриш билан бирга бўлишини кўрсатди. Уларнинг ифодаси ҳайвонларнинг эмоционал (стрессли) фонида сезиларли даражада ўзгаради.(1,2,3-жадваллар).

Тажрибавий нефролитиаз чақирилган каламушлар қон плазмасида тадқиқотнинг 21-кунидаги биокимиёвий таҳлили (1-жадвал) кўрсатишича, ферментатив ҳамда метоболик маркерлар ҳайвонларнинг эмоционал фонида мос равишда комплекс тарзда ўзгариб, юқори эмоционал (ЮЭ) ҳайвонларда паст эмоционал (ПЭ) ҳайвонларга қараганда бирмунча яққолроқ тарзда номоён бўлганлигини кузатдик.

1-жадвал

Қон плазмаси биокимиёвий кўрсаткичлари (тадқиқотдан 21 кун ўтгач) натижалари ($M \pm SD$; $p=0,05$; $n=8$)

Кўрсаткичлар	Назорат	Нефролитиаз, юқори эмоционалли	Нефролитиаз, паст эмоционалли
Аланинаминотрансфераза (ALT) Ш.б./л	$32,88 \pm 5,80$	$38,22 \pm 5,80$	$36,37 \pm 5,80$
Аспаратаминотрансфераза (ACT) Ш.б./л	$109,13 \pm 22,35$	$148,23 \pm 38,87$	$117,26 \pm 11,60$
Ишқорий фосфатаза (ALP), Ш.б./л	$148,25 \pm 12,54$	$264,12 \pm 21,45^{***}$	$230,90 \pm 4,09^{***}$
γ-глутамилтранспептидаза (GGT), Ш.б./л	$2,56 \pm 0,23$	$1,00 \pm 0,25^{***}$	$0,89 \pm 0,22^{***}$
Холестерин (CHOL), ммол/л	$2,05 \pm 0,25$	$1,29 \pm 0,29$	$1,03 \pm 0,20$
Мочевина (UREA), ммол/л	$5,12 \pm 3,21$	$10,10 \pm 6,03$	$6,27 \pm 0,93$
Креатинин (CREA), ммол/л	$106,43 \pm 17,46$	$100,60 \pm 35,72$	$100,81 \pm 0,29$
Лактатдегидрогеназа (LDG), Ш.б./л	$297,75 \pm 43,54$	$612,18 \pm 13,82^{***}$	$565,59 \pm 74,06^{***}$
Glyukoza (GLUC), ммол/л	$6,02 \pm 0,63$	$4,83 \pm 1,02$	$4,68 \pm 0,08^{***}$

Изох: * = $p < 0.05$; ** = $p < 0.01$; *** = $p < 0.001$ — назорат гуруҳи билан таққослаганда.

Тадқиқотнинг 27 -кунига келиб биокимёвий силжишлар кучайиб бораётгани кузатилмоқда: АСТ сезиларли даражада ошиб бормоқда, ИФ ортиб бормоқда, ГГТ кескин ошиб бормоқда, шунингдек, ЛДГ бўйича тўқималар метаболик кескинлиги ошиб бормоқда. Бунда азот алмашинуви маркерлари стресс-реактивликка энг аниқ боғлиқлигини кўрсатади: мочевино асосан юқори эмоционал ҳайвонларда сезиларли даражада ошади, креатинин гуруҳлар ичидаги ўзгарувчанлик билан кўпайиш тенденциясига эга бўлди.

2-жадвал

Қон плазмаси биокимёвий кўрсаткичлари (тадқиқотдан 27 кун ўтгач) натижалари ($M \pm SD$; $p=0,05$; $n=8$)

Кўрсаткичлар	Назорат	Нефролитиаз, юқори эмоционалли	Нефролитиаз, паст эмоционалли
Аланинаминотрансфераза (ALT) Ш.б./л	$39,68 \pm 8,55$	$51,38 \pm 7,78^{***}$	$51,56 \pm 10,74^{**}$
Аспартатаминотрансфераза (АСТ) Ш.б./л	$138,05 \pm 29,11$	$271,78 \pm 29,73^{***}$	$175,11 \pm 28,01^{**}$
Ишқорий фосфатаза (ALP), Ш.б./л	$160,09 \pm 55,78$	$247,24 \pm 74,39^{***}$	$246,62 \pm 42,31^{***}$
γ-глутамилтранспептидаза (GGT), Ш.б./л	$4,94 \pm 2,67$	$23,20 \pm 1,20^{***}$	$15,43 \pm 3,25^{***}$
Холестерин (CHOL), ммол/л	$1,35 \pm 0,19$	$2,02 \pm 0,30^{***}$	$1,87 \pm 0,06^{***}$
Мочевина (UREA), ммол/л	$5,24 \pm 1,27$	$12,97 \pm 1,92^{***}$	$5,30 \pm 0,56$
Креатинин (CREA), ммол/л	$98,18 \pm 27,45$	$124,91 \pm 49,14$	$108,57 \pm 7,79$
Лактатдегидрогеназа (LDG), Ш.б./л	$255,78 \pm 86,54$	$512,03 \pm 41,00^{***}$	$470,49 \pm 150,78^{***}$
Глюкоза (ГЛУС), ммол/л	$4,25 \pm 0,35$	$5,50 \pm 0,23^{***}$	$4,61 \pm 0,42^*$

Изох: * = $p < 0.05$; ** = $p < 0.01$; *** = $p < 0.001$ — назорат гуруҳи билан таққослаганда.

37-кунда ИФ, ГГТ ва ЛДГнинг барқарор ошиши, шунингдек, юқори эмоционал ҳайвонларда мочевино ва креатининнинг сезиларли даражада ошиши сақланиб қолмоқда, бу эса юқори стресс-реактивликда янада интенсив метаболик стресс ва функционал юқламани кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида нефролитиазнинг иккала гуруҳида ҳам холестерин кўпаяди ва паст эмоционал гуруҳда у юқориноқ бўлади, бу эса турли хил эмоционал реакцияларда метаболик мослашиш йўллариининг фарқларини акс эттиради.

Умуман олганда, натижалар шуни тасдиқлайдики, эмоционал фон нефролитиазда, айниқса, азот алмашинуви белгилари, мембрана-метаболик спектр ферментлари ва тўқима шикастланиши кўрсаткичлари бўйича тизимли жавобнинг биокимёвий кўринишларини кучайтирувчи муҳим омил ҳисобланади.

3-жадвал

Қон плазмаси биокимийвий кўрсаткичлари (тадқиқотдан 37 кун ўтгач) натижалари ($M \pm SD$; $p=0,05$; $n=8$)

Кўрсаткичлар	Назорат	Нефролитиаз, юқори эмоционалли	Нефролитиаз, паст эмоционалли
Аланинаминотрансфераза (ALT) Ш.б./л	$38,19 \pm 2,49$	$54,17 \pm 5,30^{***}$	$43,84 \pm 0,66^{***}$
Аспартатаминотрансфераза (АСТ) Ш.б./л	$139,56 \pm 23,34$	$166,70 \pm 21,10^{**}$	$155,63 \pm 25,30$
Ишқорий фосфатаза (ALP), Ш.б./л	$159,05 \pm 15,33$	$251,44 \pm 2,34^{***}$	$231,04 \pm 27,29^{***}$
γ-глутамилтранспептидаза (GGT), Ш.б./л	$5,05 \pm 1,04$	$12,13 \pm 0,68^{***}$	$8,52 \pm 1,49^{***}$
Холестерин (CHOL), ммол/л	$1,54 \pm 0,12$	$1,75 \pm 0,13^{***}$	$2,12 \pm 0,11^{***}$
Мочевина (UREA), ммол/л	$5,95 \pm 1,46$	$12,60 \pm 2,75^{***}$	$6,64 \pm 0,08^*$
Креатинин (CREA), ммол/л	$101,54 \pm 21,56$	$162,41 \pm 1,46^{***}$	$121,11 \pm 42,04$
Лактатдегидрогеназа (LDG), Ш.б./л	$300,16 \pm 132,44$	$623,90 \pm 84,17^{***}$	$535,16 \pm 183,29^{***}$
Глюкоза (GLUC), ммол/л	$5,01 \pm 0,33$	$5,73 \pm 0,49^{***}$	$5,43 \pm 0,16^{***}$

Изох: * = $p < 0.05$; ** = $p < 0.01$; *** = $p < 0.001$ — назорат гуруҳи билан таққослаганда.

4-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, экспериментал нефролитиаз барча кузатув даврларида кортизолнинг доимий равишда орртиши билан бирга келади, максимал қийматлар юқори эмоционал фонга эга ҳайвонларда қайд этилган ва юқори ва паст эмоционал гуруҳлар ўртасидаги энг яққол фарқ кеч босқичда (37-кун) кузатилган. Бу ҳиссий стресс реактивлиги нефролитиазда тизимли жавобнинг эндокрин компонентини кучайтирувчи муҳим омил эканлигини ҳамда экспериментал натижаларни шарҳлашда ҳисобга олиниши кераклигини яна бир бор тасдиқлайди.

4-жадвал

Қон плазмаси иммунофермент кўрсаткич натижалари (кортизол) ($M \pm SD$; $p=0,05$; $n=8$)

Кортизол (COP), нг/мл	Назорат	Нефролитиаз, юқори эмоционалли	Нефролитиаз, паст эмоционалли
21 кундан сўнг	$248,94 \pm 28,25$	$798,57 \pm 30,30^{***}$	$691,43 \pm 60,61^{***}$
27 кундан сўнг	$300,65 \pm 30,30$	$720,00 \pm 101,02^{***}$	$641,43 \pm 90,91^{***}$
37 кундан сўнг	$239,55 \pm 30,30$	$920,00 \pm 101,02^{***}$	$712,86 \pm 70,71^{***}$

Изох: * = $p < 0.05$; ** = $p < 0.01$; *** = $p < 0.001$ — назорат гуруҳи билан таққослаганда.

Тажрибавий нефролитиазнинг 27-чи ва 37-кунларидаги ЛПО/ОАХ кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ҳайвонларнинг эмоционал ҳолати буйрак тўқималарида оксидатив шикастланишлар хусусияти ва намоён бўлишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Юқори эмоционал ҳайвонларда бутун кузатув даврида МДАнинг юқори даражаси, антиоксидант ҳимоянинг айрим бўғинларининг эрта ва аниқ камайиши, шунингдек нефролитиазнинг кейинги босқичларида эркин радикалли жараёнларнинг кам самарали компенсацияси кузатилди. Шу билан бирга, паст эмоционал каламушларда антиоксидант тизим катта функционал барқарорликни кўрсатди, бу эса СОД ва каталазанинг юқори фаоллиги, шунингдек, 37-кунга қадар липид пероксидацияси интенсивлигининг сезиларли пасайиши билан намоён бўлди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, юқори эмоционал фон тажрибавий нефролитиазда оксидатив стресснинг ривожланишини кучайтирувчи, антиоксидант тизимнинг заифлашишини тезлаштирувчи ва буйрак тўқималарининг шикастланишини ривожлантиришга ёрдам берувчи омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, тажрибавий нефролитиаз липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнларининг эрта фаоллашиши, кейинчалик антиоксидант тизимнинг зўриқиши ва ҳолдан тойиши ҳамда компенсатор механизмларнинг кечроқ муддатларда қисман қайта қурилиши билан тавсифланадиган буйрак тўқималарида оксидатив шикастланишларнинг босқичма-босқич ривожланиши билан бирга келади. Энг яққол ўзгаришлар 27-кунда қайд этилди, бу эса ушбу муддатни буйрак тўқималарининг оксидатив шикастланиши патогенезида муҳим деб ҳисоблаш имконини беради.

Тажрибавий ҳайвонларнинг эмоционал фонини ҳисобга олиш нефролитиаз кечишининг ўзгарувчан механизмларини чуқурроқ англаш имконини беради ҳамда психоэмоционал омилни ушбу касалликнинг патогенезини комплекс баҳолашга киритиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

5-жадвал

Тажриба ҳайвонлари буйрак гомогенатида МДА миқдори, СОД ва КАТ фаоллиги натижалари ($M \pm m$)

Гуруҳлар ва тадқиқот муддатлари (кунлар)		МДА (нмоль/мг оксил)	СОД (ш.б./мин.мг оксил)	Каталаза (мкмоль H_2O_2 /мин.мг оксил)
Назорат (интакт)		0,101±0,004	5,254±0,499	0,164±0,003
Экспериментал нефролитиаз (йуқори ва паст хиссий фон), қуйидагилар орқали:	21	<u>0,348±0,005***</u> 0,137±0,003	<u>5,73±0,381**</u> 6,55±0,746***	<u>0,211±0,002</u> 0,284±0,003***
	27	<u>0,501±0,003***</u> 0,293±0,004***	<u>6,45±0,416***</u> 7,21±0,855***	<u>0,155±0,002***</u> 0,246±0,004
	37	<u>0,412±0,012**</u> 0,234±0,043*	<u>3,67±0,161***</u> 4,523±0,704**	<u>0,203±0,002***</u> 0,294±0,002

Изоҳ: * = $p < 0.05$; ** = $p < 0.01$; *** = $p < 0.001$ — назорат гуруҳи билан таққослаганда.

Эслатма: Сураётда юқори эмоционал, махражда паст эмационал гуруҳ ҳайвонлари кўрсаткичлари

Диссертациянинг «Турлича эмоционал фаолликдаги тажрибавий

